


## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил июнь ойининг 11 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, ўз биносидида, очик суд мажлисида, шу суднинг судьяси И.Ражабовнинг раислигида, М.Ғиёсовнинг котиблигида, Янгиҳаёт туман прокурори ёрдамчиси Ж.Усманов, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] гумон қилинувчи [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.



Суд, гумон қилинувчи, жабрланувчининг қонуний вакили кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Суриштирув органи хужжатларига кўра, [REDACTED] фуқаро [REDACTED] тегишли, давлат рақами [REDACTED] русумли автомабилини, тегишли хужжатлари билан, Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманида жойлашган Шокирариқ кўчаси бўйлаб, Янги Сергели кўчаси томондан, Тошкент халқа автомобиль йўли томонга 30 км/соат тезликда бошқариб бориб, “ELITE” номли дўкон қаршисида, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак.”, деб кўрсатилган 4-бандининг 1-қисми, “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт” – деб кўрсатилган 11-банди “г” кичик банди, “Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт” деб кўрсатилган 109-банди ва “Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштирса ёки тўхтаса, қўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин”, деб қайд этилган 110-банди талабларини қўпол равишда бузиб, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойидан йўлни кесиб ўтаётган пиёда 2011 йилда туғилган вояга етмаган



\_\_\_\_\_ автомабилининг олд томони билан уриб, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфизлиги қоидаларини бузиши натижасида, \_\_\_\_\_ соғлиғининг оғирлик даражаси бўйича ҳаёти учун хавfli бўлган “ўртача оғир” шикаст етишига сабабчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил \_\_\_\_\_ хулосасига кўра, \_\_\_\_\_ кўш жароҳатлар, БМЁЖ, Бош мия чайқалиши, ўнг билак суякларини дистал метафиз қисмидан ёпиқ синиб, суяк бўлакларини силжиши, пешона, бурун, юқори лабида шилиниши мавжуд бўлиб, етказилган жароҳат ҳаёт учун хавfli бўлмаган ўртача оғир тан жароҳатлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Дастлабки суриштирувда гумон қилинувчи \_\_\_\_\_ мов ва жабрланувчининг қонуний вакили \_\_\_\_\_ ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси, Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчисининг 2021 йил \_\_\_\_\_ қарорига кўра, гумон қилинувчи \_\_\_\_\_ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи \_\_\_\_\_ суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили \_\_\_\_\_ суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, \_\_\_\_\_ нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили \_\_\_\_\_ ва гумон қилинувчи \_\_\_\_\_ ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчининг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқроплиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили



ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши ҳақида тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи [REDACTED] нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича

Янгиҳаёт туман судининг судьяси

имзо

И.Ражабов

Аслига тўғри

И.Ражабов

